O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 15 май, № 93 (4246) Сешанба



■ Яқинда пойтахтимизнинг "Чорсу" бозорига йўлимиз тушиб, гилам сотиладиган расталарни айландик. Очиғи, кўзни қамаштирувчи чўғдай гиламларни кўриб, хаёлимиздан "Ҳойнаҳой, хорижники бўлса керак" деган ўй кечди. Адашган эканмиз. Сотувчилардан бири маҳсулотлар юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилганлигини айтди.

Дарҳақиқат, гиламларда "Хива Карпет", "Евроазия Карпет" каби қўшма корхоналарнинг маҳсулот тамғалари акс этганди.

1995 йилдан буён Жиззахдаги "Евроазия Карпет" қўшма корхонаси ҳам ички бозорни сифатли маҳсулот билан тўлдиришда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ушбу корхонада бир кеча-кундузда 1000 квадрат метр гилам тўқилиб, пешма-пеш сотувга чиқарилаяпти. Салкам юз нафар ишчи меҳнат қилаётган жамоада сифат ва самарадорлик асосий мезон қилиб олингани ютуқлар омили бўлмоқда.

**СУРАТДА: тайёрлов бўлими оператори Барно Бўриева.**

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Пойтахтдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 май куни Ўзбекистон — Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Сиёсий тадқиқотлар маркази ва Савдо-саноат палатаси, Россия томонидан Саноат бўйича федерал агентлик, Стратегик тадқиқотлар институти, Савдо-саноат палатаси ва Россия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ташкил этди.***

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини, бунда президентлар — Ислом Каримов ва Владимир Путин 2005 йил ноябрь ойида имзолаган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Россия Федерацияси Саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшин Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ тарзда ривожланиб бораётганини, алоқаларнинг қамрови йилдан-йилга кенгаяётганини қайд этди.

Россиялик ишбилармонлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, сармоявий муҳит, хусусийлаштириш жараёнидаги янгиликлар билан атрофлича танишдилар.

Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси икки юздан зиёд ҳужжатдан иборат. Уларнинг элликка яқини иқтисодий соҳага тааллуқли. 1997 йилдан Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг март ойида Москвада унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтган эди.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 51,3 фоиз ўсиб, 3,117 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани ҳамкорлик муваффақиятли давом этаётганига ёрқин мисолдир. Эътиборли томони шуки, Ўзбекистон экспортида юқори даражадаги қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ва хизматлар салмоғи тобора ошмоқда. 2005 йилда бу борадаги кўрсаткич 76 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йили 80 фоиздан ошди. Россия компаниялари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро аҳамиятга молик иқтисодий тадбирларда фаол қатнашмоқда. Хусусан, халқаро пахта ярмаркасида, минитехнологиялар, агросаноат маҳсулотлари кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди. Аввалги йилларда бу кўрсаткич 300 минг тоннадан ошмасди.

Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тузилган қўшма корхоналар сони беш юздан ошади. Улар орасида "Петромарузгаз" (кимёвий маҳсулотлар), "Вим-Билль-Дан — Тошкент" (сут маҳсулотлари), "Балтимор-Челак" (консерва), "Элимпекс" (тўқимачилик), "Электроизолит" (қурилиш материаллари) каби корхоналар айниқса муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юртимизда 132 Россия фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Айни пайтда уларнинг сони уч юзга яқинлашиб қолди. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари — савдо, энергетика, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг кўплаб бошқа тармоқлари.

Мутахассислар мамлакатларимиз иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорликни ривожлантириши мумкинлигини таъкидлашади. Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастурлаш таъминоти, машинасозлик, ускунасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда "Газпром" ва "Лукойл" компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерациясининг субъектлари ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Бизнес-форум қатнашчилари ёқилғи-энергетика мажмуи, аграр сектор, саноат ва машинасозлик, енгил саноат соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид мавзуларда фикр алмашдилар. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, электротехника, сайёҳлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишлар ҳамкорлик учун анъанавий саналса, сут-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачилик ва чорвачилик нисбатан янги соҳалардир.

Мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳам икки томонга катта фойда келтиради. Ўзбекистонда йилига 10 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Бу миқдор мева-сабзавотни қайта ишлайдиган қўшма корхоналарни кўпайтириш, тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш имконини беради.

Бизнес-форумда иштирок этган Россия делегацияси сафида тўқсонга яқин федерал ва минтақавий миқёсдаги фирма ва компания раҳбарлари бор. Уларнинг барчаси янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдори. Демак, бизнесменларнинг мулоқоти ўнлаб янги лойиҳалар учун имконият яратади. Бу эса Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**(ЎзА).**

# ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

**Тадбир**

Нукусда Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Қўшма мажлисда қайд этилганидек, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқ-тартибот муассасалари, маҳаллий бошқарув тизими, шунингдек, жамоат ташкилотлари ушбу қонун ижросини таъминлаш асносида фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш авлодни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялаш, уларнинг жамият учун зарарли оқимларга жалб этилишининг олдини олиш юзасидан муайян ишларни амалга оширдилар.

Айни чоғда давлат ҳокимияти муассасаларининг жамоат ташкилотлари, айниқса маҳалла институти билан ҳамкорлиги етарли даражада эмаслиги, шу жумладан фуқаролар йиғинлари раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти талабга тўла жавоб бермаётганлиги ҳам қайд қилинди. Бу масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси М. Усмонов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари Ғ. Ражабов, сенаторлар, Жўқорғи Кенгес депутатлари, ҳуқуқ-тартибот муассасалари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

* * *

Шу куни Нукусда «Терроризмга, диний экстремизмга ва сепаратизмга қарши кураш — ҳозирги даврнинг долзарб вазифаси» мавзуида амалий конференция ҳам ўтказилди. Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу конференцияда кун тартибига киритилган масалага дахлдор Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросига қаратилган вазифалар, халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм ва наркобизнесга қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ масалалар кенг таҳлил этилди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## *Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

# БОЛАЛАРГА БЕҒАРАЗ ТУҲФА

***Халқ таълими вазирлигига қарашли республика болалар давлат кутубхонасида Япония ҳукуматининг маданият соҳасидаги ёрдами доирасида "Республика болалар кутубхонасини аудиовизуал ускуналар билан таъминлаш" грант лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.***

**Тақдимот**



■ 28,6 миллион йен (240 минг АҚШ доллари) қийматига эга мазкур лойиҳа доирасида келтирилган жиҳозлар ҳар жиҳатдан қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Видеопроекторлар, электрлаштирилган экранлар, DVD, видеомагнитофонлар, аудиокучайтиргич ва микрофонлар ана шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси, миллий байрамларни нишонлаш, шунингдек, халқаро конференциялар, семинар ва тренингларни замонавий тарзда ўтказишга, табиийки, ёрдам беради.

— Ушбу ускуналарнинг келтирилиши мен каби кўриш имконияти чекланганлар учун айни муддао бўлди, — дейди ўзини Баҳодир Хўжабеков деб таништирган бола. — Яқинда Ойбек асари асосида суратга олинган Алишер Навоий видеофильмининг аудио нусхасини эшитишимиз учун 10 дан зиёд кассетадан фойдаландик. Энди эса мана бундай жиҳозлардан фойдаланган ҳолда ҳар қандай фильмни осонлик билан эшитишимиз мумкин.

Тақдимот маросимида иштирок этган Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото мазкур тадбир изчиллик билан амалга оширилаётган икки томонлама ҳамкорлик самараси эканлигини таъкидлади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган сурат.**

# МАХСУС ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ

***Қадимий ва навқирон Бухоро спорт байрами оғушида. Бугун бу ерда ақлий ва жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган болалар ўртасида махсус олимпиада ўйинлари (Special Olympics)нинг очилиш маросими бўлиб ўтади.***

■ «Спешл Олимпикс» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, бир қатор вазирлик ҳамда жамғармалар ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур мусобақада Польша, Россия, Туркия, Беларусь, Индонезия, Озарбойжон каби давлатлардан уч юз нафардан зиёд спортчи, юздан зиёд мураббий ва 600 нафардан ортиқ кўнгиллилар иштирок этишади. Махсус халқаро олимпиада дастуридан ўрин олган енгил атлетика, бадминтон, баскетбол, гимнастика, мини футбол бўйича беллашувларни юқори савияда ўтказиш учун шаҳардаги «Бухоро», «Хумо», «Нафис», «Ёшлик» спорт мажмуалари тайёрлаб қўйилган.

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастуридан ўрин олган махсус олимпиада ўйинларини ўтказишдан кўзланган мақсад жамоатчиликнинг имконияти чекланган болаларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмаклашишдир. Мусобақаларда мамлакатимиз, жумладан, Бухоро вилояти терма жамоасининг иштироки кутилаяпти.

ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилот вакиллари, кўплаб меҳмонлар ташриф буюрган махсус олимпиада ўйинлари доирасида «Инклюзив таълим» бўйича халқаро форум ҳам ўтказилади. Гап шундаки, бундай таълим усули республикамиз миқёсида фақат Бухоро вилоятида амалга оширилмоқда. Бухоро шаҳридаги 8-ўрта мактабда соғлом болалар билан биргаликда имконияти чекланган болалар ҳам таълим олишади. Форум иштирокчилари ушбу мактабнинг тажрибаси билан ҳам танишадилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

**Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

**12 фоизга ўсди.**

Бунга қайси омиллар ҳисобидан эришилди? Аввало, республикамизда мавжуд саноат корхоналарини техник модернизация қилиш учун рағбатлантириш тизими яратилгани, шу асосда эскирган технологиялар, жисмонан ва маънан ишдан чиққан ускуналарни алмаштириш ишлари тезлаштирилгани, шунингдек, солиқ юкининг камайтирилгани ўтган даврда соҳада ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 фоиз ўсишининг асосий омили бўлди.

# Шаҳрихоннинг "Отайўл"лари

■ Аҳолиси ўта зич бўлган Шаҳрихон шаҳрига лизинг йўли билан 15 та "Отайўл" автобуси келтирилди. "Шаҳрихон йўловчи транс" шўъба корхонасига қарашли ушбу автобуслар қишлоқ ва маҳаллаларни туман маркази билан боғловчи бешта йўналишда қатнамоқда. Йил охирига қадар автобуслар сони яна 5 тага кўпайиши кўзда тутилган.

**Ўз мухбиримиз.**

# БЕБАҲО ФАЗИЛАТЛАР НАМОЙИШИ

***Инсон ҳаётида унутилмас кунлар кўп, байрамлар, тўй-тантаналар, катта-кичик маросимлар бисёр. Бироқ ўтган ҳафтада мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрамининг ҳаётимизда ўрни, салмоғи ўзгача. Чунки, бу кунда ҳаётнинг гултожи бўлган ҳазрати инсон қадр-қиммати улуғланади, ўтган аждодлар хотираси ёдга олиниб, руҳлари шод этилади. Бу удум Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ҳаётимиздан ўзининг муносиб ўрнини топиб, бебаҳо инсоний қадрият даражасига кўтарилди.***

**Нигоҳ**

Дарҳақиқат, умр ўткинчи, ҳаёт абадий. Инсон умри тезоқар дарё каби шиддат билан олға интилади.

Хотира эса юракларимиз қат-қатида мангу уйғоқ, у ҳеч қачон завол нималигини билмайдиган, абадиятга дахлдор, муқаддас туйғудир.

Одам боласи хотирасиз яшай олмайди. Инсон тирик экан ўтганларни хотирлаб, уларнинг ҳаётидан, эзгу ишларидан ибрат олиб, эртанги ёруғ кунларга чоғланиб яшайди.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Бугунги дориламон дамларнинг қадрига етишимиз учун ҳам кўксимизда, юрагимизнинг туб-тубида хотира уйғоқ бўлмоғи лозим. Хотира ва қадрлаш кунининг теран маъно-мазмун касб этганлиги, юртдошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 9 май «Хотира ва қадрлаш куни" деб белгиланганлиги, бу анъананинг миллионлаб ҳамюртларимиз томонидан қониқиш билан кутиб олинганлигининг асосий сабаби ҳам бу байрамнинг азалий қадриятларимизга, ўзбекона урф-одатларимизга баайни мослигига, муштараклигига бориб тақалади.

Шу ўринда кўнгилни кенг қўйиб, ҳаётимизга очиқ кўз билан қараб, холис мушоҳада қилиб кўрайлик. Мустақил диёримиздаги кўплар ҳавас қилаётган тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат, файзу барака, шаҳар-қишлоқларимиздаги беқиёс ўзгаришлар, асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари, замондошларимиз дунёқарашидаги, турмуш тарзидаги эврилишлар аслида, ўтган улуғ аждодларимиз, ота-боболаримиз руҳларини шод этиб, улар хотирасини эъзозлаб, тирикларнинг қадрига етиб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб яшаётганимиз шарофатидан эмасмикан? Шуни ҳам унутмаслик лозимки, биз Истиқлол туфайли ўтган аждодларимиз хотирасини эмин-эркин ёд этиш, бугун орамизда яшаётган пиру бадавлат, мунис-меҳрибон отахон-онахонларимизни муносиб қадрлаш имконига эга бўлдик. Айнан мустақиллик шарофати ила ўтмишда дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган не-не улуғ алломаларимизнинг табаррук номлари қайтадан кашф этилди, улар хотираси ардоқланиб, бебаҳо маънавий мероси ёруғлик кўрди.

Бугун буюк соҳибқирон Амир Темурни, шоҳ ва шоир Мирзо Бобурни, ўз асарлари билан дунё фани, маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби кўплаб аждодларимиз номини бутун дунё билади. "Жаҳон" ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича: куни-кеча Лондон шаҳридаги Британия музейида "Муқаддас қўлёзмалар бизни яқинлаштиради" деб номланган халқаро кўргазма иш бошлаган. Дунёдаги бир неча динларга оид энг машҳур ва қимматбаҳо қўлёзмалар намойиш этилаётган ушбу нуфузли кўргазмада юртимиз вакиллари томонидан тақдим этилган "Усмон Қуръони" қўлёзма нусхаси дунёдаги энг қимматли ва ноёб экспонатлардан бири сифатида эътироф этилган. Кўргазмани томоша қилган жаҳоннинг

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Илҳом бахш этган шаҳар

***Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида қадимий шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.***

■ Соҳибқирон Амир Темур бобомиз салтанатининг пойтахти бўлмиш, не-не улуғ ва шариф зотлар интилиб яшаган, мавлоно Абдураҳмон Жомий ва буюк мутафаккир шоир ҳазрат Алишер Навоийдек улуғлар зиёрат қилган, тарихи ҳам, маданияти ҳам жаҳон тамаддуни билан бўйлаша оладиган қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри, тарихи ва бугунги куни шубҳасиз, ижод аҳли учун ҳам ғоят муҳимдир. Дунё аҳли назарини ўзига тортган, Истиқлолимиз шарофати ила, Юртбошимиз раҳнамолигида янада ўзгача чирой касб этиб бораётган шаҳарнинг, вилоят меҳнаткашларининг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатлари, ёш авлоднинг бугунги ўй-хаёллари, кечинмалари қаламкашларнинг диққат марказида турмоғи керак.

Самарқанд шаҳрининг муборак тўйи муносабати билан ўтказилаётган танловлар, тайёрланаётган назмий гулдасталар, китоб ва рисолалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди. Чунончи, "Шарқ юлдузи" журналининг навбатдаги сонларидан бири тўлалигича Самарқанд — унинг тарихи ва адабий муҳитига бағишланади.

Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид ва Маҳмуд Тоировнинг СамДУ талабалари билан учрашувлари жонли мулоқот, ҳақиқий шеърият байрамига айланди. Университет ректори, профессор Темур Ширинов, филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов ва бошқа устозларнинг чиқишларида ҳам қадим Самарқанд тарихи ва адабиёт, мустақиллик туфайли ёшларга яратилган улкан имкониятлар, университет адабий муҳити ҳақида сўз юритилди. Учрашувда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи А. Баҳромов иштирок этди.

## Фаоллик муҳим

■ Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида «Адолат социал демократик партияси Қорақалпоғистон республика кенгаши фаоллари иштирокида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда қатнашган партия фаоллари, олимлар ушбу Конституциявий Қонуннинг моҳияти, кучли фуқаролик жамияти қуриш ва демократия асосларини мустаҳкамлашдаги ўрни, партиянинг жойлардаги қуйи бўғинлари олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳаза юритдилар.

## Қулай ва фойдали

***Ўтган йили «Андижонмаш» ҳиссадорлик жамияти уйда ўтириб ишлаш истагини билдирган 85 нафар касаначи билан шартнома тузган ва уларнинг қобилияти, идрокига қараб буюртмалар берган эди.***

■ Йил якунида улар 3 миллион 242 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришгани маълум бўлди. Натижада «Андижонмаш»да корхона учун ҳам, касаначи учун ҳам қулай ва фойдали бўлган бу меҳнат турига қизиқиш янада кучайди. Шунинг учун ҳиссадорлик жамиятида жорий йил охирига қадар касаначилар сонини икки баравар кўпайтиришга қарор қилинди.

## Ўз касбининг фидойиси



*■ Давлат тараққиётида малакали кадр, малакали мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Қарши шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Элмира Ҳасановани ҳамкасблари ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у ёш бўлишига қарамасдан, изланувчанлиги, тиришқоқлиги билан нафақат жамоанинг, балки эл-юртнинг ишончини ҳам оқлаган.*

*Шунинг учун бўлса керак, Элмира Ҳасанова жорий йил вилоятда бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган эди. Яқинда эса Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика миқёсидаги кўрик-танловда учинчи ўрин соҳибаси бўлди.*

**СУРАТДА: ёш ўқитувчи Элмира Ҳасанова.**

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

## «Камолот» саховати

***Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳарбий хизматдан қайтган, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган ёшларга мунтазам ёрдам бериб келади.***

■ Улар яқинда яна бир хайрли ишга қўл уришди. Мамлакатимиз Қуролли кучлари сафида хизмат қилиб қайтган ва ҳозирги кунда Хоразм вилоятидаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, шунингдек, жамоат ишларида, ўқишда фаоллик кўрсатган 166 нафар талабанинг 2006-2007 ўқув йили учун шартнома пуллари тўлаб берилди.

Бу саховатдан собиқ аскарлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам миннатдор бўлдилар.

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

# БЕБАҲО ФАЗИЛАТЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

йирик олимлари "Усмон Қуръони" Ислом маданиятининг бебаҳо ганжинаси эканлигини алоҳида таъкидлашган. Қолаверса, буюк ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг илмий кашфиётлари ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда. Шу ўринда Фарғоний ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар биздагига нисбатан мисрликларда кўпроқ эканлиги кишини ҳайратга солади. Зотан, вақтида ул зотнинг илмий изланишлари Нил бўйида яшовчи ушбу халқ турмушида жуда катта аҳамият касб этган эди.

Дарҳақиқат, Истиқлол туфайли дунё бизни, биз дунёни қайтадан танидик. Қандай миллат эканлигимиз, кимларнинг авлоди эканимизни теранроқ англаб етгач, қалбларимиз чексиз фахр-ифтихор ҳисларига тўлди. Шундагина Юртбошимизнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деган пурҳикмат сўзларининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ҳис қила бошладик.

"Узилган бир киприк абад йўқолмас" деб ёзганида шоир минг карра ҳақ эди. Шундай ҳур ва озод кунларимизни орзу қилиб ўтган аждодларимиз, Иккинчи жаҳон урушида жон олиб, жон берган ота-боболаримиз, уруш ортида бир бурда қотган нон-у бир пиёла совуқ сувга қаноат қилиб, матонат билан меҳнат қилган, ҳар бирига сабрдан, қаноатдан ҳайкал қўйса арзийдиган оналаримиз, момоларимиз бугун қалбимиз қатида, ардоғида.

Хотира майдонида Президентимиз ҳар бир халқ эътиқодининг рамзий белгиси бор эканлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, бу ердаги Мотамсаро она ҳайкали миллионлаб мушфиқ оналаримизнинг, она-Ватанимизнинг рамзи эканлигига ҳам урғу бериб ўтдилар. Ахир, қанчадан-қанча юртдошларимиз урушдан қайтмади. Улар ҳам кимнингдир отаси, кимнингдир акаси, кимнингдир укаси, кимнингдир умр йўлдоши эди. Бундай оғир мусибат юкини кўтариш оналар учун қанчалар оғир бўлганлигини англаш қийин эмас. Бундай ғамандуҳ, қайғу ва аламлар ғамгусор оналаримиз кўз ёшларини дарёдек оқизган эди, десак муболаға бўлмас.

Уруш жафоларию, заҳматларидан қадди дол бўлган онаизорлар ўша машъум йилларда бошқа миллатларнинг етим қолган болаларини ҳам иссиқ бағрига олишга ўзларида куч топди. Кўнгли шикаста гўдакларга нон билан бирга меҳр-муҳаббатларини ҳам бахшида этдилар. Бугун бу байрамни нишонлар эканмиз, беихтиёр кўзларимизда ёш ҳалқаланади. Ахир, ғалаба биз, ўзбекистонликлар учун, юртимиз учун жуда қимматга тушган эди. Инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жон берган юртдошларимизнинг жасоратини ҳамиша ёдда сақлашимиз, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз учун ҳам улардан миннатдор бўлишимиз зарур. Зеро, ўзини билган, ўзлигини англаган халқ ўтган аждодларини, уларнинг хизматларини ҳеч қачон унутмайди.

Президентимиз бу галги Хотира ва қадрлаш кунида яна бир ниҳоятда эзгу ва савобли ғояни илгари сурдилар. У киши урушда бедарак йўқолган, дегани инсон изсиз кетди дегани эмас, дея таъкидладилар. Ўз навбатида адибу олимларимиз, зиёлиларимиз олдига Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган 130 минг нафар юртдошларимизнинг тақдирини аниқлаш, улар ҳақидаги маълумотларни излаб топиш вазифасини қўйдилар.

Бу эзгу таклиф бугун ёши бир жойга борган, уруш жафоларини бошидан кечирган отахон-онахонларимиз, юртдошларимиз қалбига малҳам бўлди. Миллионлаб кўнгилларда акс-садо берди.

— Хотира ва қадрлаш кунида давлатимиз раҳбарининг бу сўзларини эшитиб, кўзларимга ёш қуйилиб келди, — дейди самарқандлик уруш ва меҳнат фахрийси Ҳасан Муҳаммадиев. — Яхши эслайман, ўшанда бизнинг кичкинагина қишлоғимиздан ҳам мўйлаби эндигина сабза урган йигирма нафар йигит урушга отланишган эди. Улардан саккиз нафарининг хоки ўзга юртларда қолиб кетди. Янаям ачинарлиси, ўшалардан уч нафарининг номи Хотира китобларида ҳам қайд этилмаган. Чунки, улар бедарак кетишган, тақдирлари номаълум. Эндиликда уларнинг қаерда ҳалок бўлганлиги аниқланса, бағоят савобли иш бўлар эди. Кўп иссиқ-совуқ кунларни бошдан кечирган, ҳаётнинг паст-баландини кўрган инсон сифатида дилимдаги бор гапни айтаман: шундай инсонпарвар Юртбошиси бор халқ ҳеч қачон кам бўлмайди! Кўзлаган мақсадларига албатта етади.

— Ёшим тўқсонда, — дейди қибрайлик пиру бадавлат отахон Ғулом бобо Каримов. — Оллоҳга шукр, фарзандларим, невараларимнинг ардоғидаман. Аммо қариган чоғингда мамлакат раҳбарининг ўзи сенга эътибор, ғамхўрлик кўрсатиб турса, кексаларни қўллаб-қувватловчи қарорлар қабул қилса, руҳингни кўтариб юборадиган сўзлар айтса, вужуд-вужудинг яйраб кетаркан. Юртбошимизнинг байрам куни биз, қариялар ҳақида гапира туриб, улар хонадонимиз фариштаси, уларни қадрлашимиз, ҳаётдан рози бўлишларини таъминлашимиз керак, деган сўзларини эшитиб ана шундай ҳолатни бошдан кечирдим.

Мамлакатимизда саккиз йилдан бери нишонланаётган Хотира ва қадрлаш куни халқимиз ҳаётига тобора чуқурроқ сингиб, янгича маъно ва мазмунга эга бўлиб бораётгани мана шу мисоллардан ҳам яққол кўриниб турибди.

Халқимизда қадрлаган қадр топади, деган ҳикматли нақл бор. Бугун биз катта ҳаёт йўлини босиб ўтган кексаларимизни қанчалик эъзозласак, эртага ортимиздан келаётган фарзандларимиз ҳам бизни ана шундай қадрлаши, иззат-ҳурматимизни жойига қўйиши айни ҳақиқатдир. Ахир, қайтар дунё, деб бежиз айтишмайди.

Инсон — ғанимат.

Ота-оналаримиз, фахрийларимизнинг ҳаётлари ғанимат.

Бу оламда ҳар бир инсон бир-бирига ғанимат.

Ҳар бир кун, ҳар бир он – бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатишнинг, самимий сўзлар билан бир-биримизнинг кўнглимизни кўтаришнинг айни вақти. Бу ёруғ жаҳонда биздан эзгу ишларимиз, яхши сўзларимизгина қолади.

Президентимиз Хотира ва қадрлаш кунида ҳар бир катта-кичик раҳбар учун сабоқ бўлгулик, жуда ҳам ўринли ва жўяли фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Дарҳақиқат, инсон қаригач, гўё ёш болага айланиб қолади. Яқинларининг, ён-атрофидагиларининг бир оғиз ширин сўзига, рағбатига, парваришига муҳтожлик сезади. Уларни асраб-авайлаб, ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз керак. Отахон-онахонларга меҳр бериш, уларни нафақат байрамларда, балки ҳар доим йўқлаш, шаҳар-қишлоқларимизнинг гўзал, сўлим гўшаларига таклиф этиб, бир пиёла чой устида суҳбатларини олиш, панд-насиҳатларига қулоқ тутиш, уларнинг белларига мадор, кўзларига нур бўлиб, юртимизда амалга оширилаётган беқиёс бунёдкорлик ишлари билан таништириш, дуоларини олиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Хотира — мангу уйғоқ, абадиятга, азалиятга дахлдор боқий туйғу. Худди шунингдек, инсон қадр-қиммати ҳам муқаддас тушунча.

Ўтган аждодларини эзгу сўзлар билан хотирлаб, уларнинг яхши ишларини давом эттирган авлод бахтли авлоддир. Бундай одамлар яшаётган мамлакатда меҳр-оқибат устувор бўлади. Бундай одамлар бор жойдан тўкинлик, фаровонлик, файзу барака аримайди. Бундай халқнинг эртанги куни ҳам ҳавас қилгудек даражада ёруғ, файзиёб бўлади.

Юртдошларимизнинг орзу-мақсадлари юксак, қадам олишлари дадил, бир-бирига меҳру муҳаббатлари зиёда, сўзлари ҳам муштарак, юзлари ёруғ, диллари пок, йўллари ойдин. Жонажон юртимиз, азиз ва мукаррам Ўзбекистонимизнинг бугуни фаровон, эртанги йўли эса янада равон, нурафшондир.

Бу нурафшон йўллар бизни Мустақил мамлакатимизнинг буюк келажаги сари элтиши, шубҳасиз.

Дарвоқе, мамлакат раҳбари байрам куни алоҳида таъкидлаганларидек, уруш ҳеч қачон инсониятга наф келтирмаган. Чунки, бу балонинг бутун жабру жафоси фақатгина халқнинг бошига келиб тушади. Мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олган бетакрор юртимизга ҳавас билан эмас, ҳасад билан қарайдиганлар ҳали ҳам йўқ эмас. Шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар, дунёнинг турли бурчакларида давом этаётган келишмовчиликлар, қон тўкишлар, уруш оловлари ҳар биримизни мудом сергак, ҳушёр бўлишга, огоҳликка ундайди.

Кечаги ҳаётдан хулоса чиқармаслик, дунёдаги бугунги воқеа-ҳодисаларга бефарқ қараш асло мумкин эмас. Бугун глобаллашув замонида яшаяпмиз. Ана шундай шароитда ўз тарихига, аждодлари хотирасига ҳурмати баланд, кексаларини қадрлайдиган, эъзозлайдиган авлод ҳамиша ғолиб ва музаффардир.

Ана шундай озод ва обод юртнинг фарзанди бўлганингдан қалбинг қувончга тўлади. Беихтиёр хассос шоирнинг самимий сатрлари қуйилиб келади:

*О, ота маконим,*
*Онажон ўлкам,*
*Ўзбекистон, жоним*
*тўшай соянгга.*
*Сендай меҳрибон йўқ,*
*Сенингдек кўркам,*
*Римни алишмасман*
*бедапоянгга.*

**Ў. РАҲМАТ.**

## Бор бўлсин оқибат!



**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

Инсоннинг қудрати жангу жадалда, ур-йиқитда эмас, одамларга бўлган меҳр-оқибатда, мурувватпешаликда кўринади. Юраги эзгулик дея урган инсондан ҳар қанча саховатпешалик кутса арзийди. 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши одамларимиздаги ана шу фазилатни намоён этиб юборди.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида эзгулик сари интилиш, яхшилик ва бунёдкорлик самараларини кўришимиз мумкин.

Гулистон шаҳридаги А. Абдураҳмонов кўчасида жойлашган «Ногиронлар уйи»ни ана шундай меҳр-оқибат масканларидан бири эканлигини алоҳида таъкидласа арзийди. Ушбу бинони таъмирлаш «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурига киритилган эди. Яхшиларнинг шарофати билан бино қисқа муддатда (26 кун ичида) мукаммал таъмирланди ва шу уйда яшовчи ногиронлар, ёлғизлар ҳамда қарияларнинг яшаш шароитлари яхшилаб берилди.

Таъмирлаш ишлари учун бюджетдан 30 миллион, ҳомийлар томонидан эса 90 миллион — жами 120 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шаҳардаги йирик ташкилотлар, қатор қурилиш фирмалари ҳамда тадбиркорлар бу умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этдилар.



**СУРАТЛАРДА: меҳрибонлик гўшаси ҳаётидан лавҳалар.**

**Р. ЖАПАРОВ олган суратлар.**

*Кореялик ишбилармонлар:*

# «МАҚСАДИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК»

***Хориждаги корейс ишбилармонларининг жаҳон федерацияси уюшмаси нуфузли делегацияси бир неча кун давомида мамлакатимизда бўлди. Ташкилот жаҳоннинг 68 мамлакатидаги 246 компаниянинг 3 мингдан зиёд вакилларини ўз атрофида бирлаштирган. Ўзбекистонга ташриф чоғида 62 мамлакатнинг 120 дан ортиқ фирма ва компаниялари вакиллари қатор вазирлик ва идораларда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан учрашдилар.***

Федерация аъзолари МДҲ мамлакатларидаги илк конференциясини Тошкентда ўтказишди. 2006 йилга қадар федерациянинг йиллик конференциялари Сеулда ва икки маротаба Пекин шаҳрида бўлиб ўтган. Форумни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад чет элларда фаолият кўрсатаётган Корея компаниялари раҳбарларини Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти билан таништиришдан иборат эди.

Ўзбекистон томони билан биргаликда Корея Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Корея савдо-саноат палатаси, Корея саноатчилар федерацияси, Чет эллик корейслар жамғармаси ҳамда Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси мазкур бизнес-форумнинг мувофиқлаштирувчиси бўлди.

Халқаро бизнес марказида бўлиб ўтган икки мамлакат тадбиркорлари иштирокидаги бизнес-анжуман чоғи хорижлик бизнесменлар Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишишлари баробарида иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари, хорижий сармояларни жалб этиш, чет эллик тадбиркорлар учун назарда тутилган солиқ имтиёзлари ҳақида атрофлича маълумотлар олишди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари Корея делегацияси раҳбарлари ва аъзоларидан Тошкентда ўтказилган мазкур учрашувлар ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашишни сўради.

**Хориждаги корейс ишбилармонларининг жаҳон федерацияси уюшмаси директорлар кенгаши раиси, собиқ давлат сиёсати вазири, тўртинчи чақириқ Миллий Ассамблея депутати Ким Дог Рёнг** Корея ва Ўзбекистон ҳамкорлиги кун сайин мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларида кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун катта имкониятларга эгадир, — дейди у. — Жумладан, табиий ресурсларга унча бой бўлмаган Корея учун энергетика соҳаси алоҳида қизиқиш касб этади. Ўзбекистонда улкан энергетика захиралари ва бошқа бойликлар мавжуд. Шу боис, табиийки, биз учун айнан уларни қазиб олиш соҳаси устувор аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш борасида жуда катта имкониятларга эгадир. Ташриф давомида биз бу ерда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар жуда мазали эканлигига ва улар ўта нозиктаъб истеъмолчилар талабини ҳам қондириши мумкинлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Корейс ишбилармонлари, албатта, ўз куч ва имкониятларини бу соҳада ҳам синаб кўрсалар фойдали бўлар эди.

Яна бир тармоқ — пахта толасини қайта ишлаш соҳаси ҳам биз учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Айни пайтда Ўзбекистонда Корея сармояси иштирокидаги бир неча тўқимачилик корхонаси фаолият кўрсатаётгани ва бу борадаги алоқаларни кенгайтириш учун имкониятлар ҳали тўла ишга солинмаганини яхши англаймиз.

Ўз навбатида, Корея Ўзбекистонга республикада катта аҳамият қаратилаётган ахборот технологиялари ва банк соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишни таклиф этиши мумкин.

**Хориждаги корейс ишбилармонларининг жаҳон федерацияси уюшмаси президенти, «Maruhan Group» компанияси бошқарувининг раиси Хан Чанг У** (*Япония фуқароси, этник корейс. «Forbes» журнали маълумотига кўра, у Япониядаги энг бой одамлар рўйхатида 28-ўринни банд этган. 2006 йилда унинг сармояси миқдори 13 миллиард АҚШ долларини ташкил этган*) сўзларига қараганда, делегация аъзолари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан мустаҳкам ва узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатиш ниятидадир.

— Делегациямизнинг кўпгина аъзолари Ўзбекистонга илк маротаба келишди, — деди Хан Чанг У. — Шундай бўлишига қарамай, бу ерда бизнес учун янги ҳамкорлар топиш юзасидан бизнинг ишончимиз комил. Уюшмамиз аъзолари жаҳоннинг кўплаб давлатларида фаолият юритади ва ўз маблағларини сармоя сифатида киритиш учун янги имконият ва бозорларни излайди. Хорижий ишбилармонларни жалб этиш учун Ўзбекистонда самарали ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганидан жуда мамнунмиз. Улар энг юксак баҳога лойиқдир. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг хорижий ишбилармонлар билан яқин алоқаларни ўрнатиш муҳимлигини чуқур англашидан далолат берадиган муҳим омилдир.

Шахсан мен Ўзбекистонни кўпдан бери яхши биламан ва доимо бу ерда кечаётган жараёнларни диққат билан кузатиб бораман. Кореяда фаолият кўрсатадиган кўплаб тадбиркорлар ҳам юртингизни яхши билишади. Бироқ Корея ташқарисида, яъни хорижий мамлакатларда ишлаётган уюшма аъзоларининг айримлари, улар билан суҳбатда аён бўлдики, Ўзбекистоннинг катта иқтисодий имкониятлари ҳақида тўла маълумотга эга эмас. Шу боис Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақидаги билимларни кенг тарқатишни нафақат анъанавий ҳамкор мамлакатларда, балки жаҳоннинг бошқа минтақаларида ҳам фаол олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Фикримча, бу масала юзасидан биз биргаликда ишлашимиз керак.

Бугун биз икки томонлама ҳамкорликнинг ғоят истиқболли тармоқларидаги алоқаларни кенгайтириш имкониятларини муҳокама қилдик. Мамлакатларимиз ва ишбилармонларимиз амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари — энергетика ва машинасозлик, тўқимачилик, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан тортиб, сайёҳлик ва тиббиёт соҳасигача ўз алоқаларини ривожлантириш имкониятига эгадирлар. Ўзбекистон иқтисодиётидаги жозибадорлик боис ҳар қандай соҳада фаолият юритувчи ишбилармонлар бу ерга бажонидил келиши ва ўз ишида муваффақият қозониши мумкин.

**Тошкентдаги учрашув ташкилотчиларидан бири, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги биринчи элчиси, Тошкент Гольф клуби президенти Со Кон И** ўз фикри билан ўртоқлашар экан, қуйидагиларни баён этди:

«Корея гарчи жўғрофий ҳудуди жиҳатидан у қадар катта мамлакат бўлмаса-да иқтисодий қудрати бўйича жаҳондаги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Кўплаб кореялик ишбилармонлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида муваффақиятли иш олиб боришмоқда. Биз Хориждаги корейс ишбилармонларининг жаҳон федерацияси уюшмаси аъзолари бўлган 120 нафардан ортиқ ишбилармонни Тошкентга таклиф этдик. Бизнинг қароримиз қатъий эди: Ўзбекистон – иқтисодий ўсиш учун жуда катта салоҳият ва кучли қонунчилик базасига эга, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар самарали тарзда рўёбга чиқарилаётган, жозибали иқтисодий иқлимга эга бўлган ҳамда жадал тараққий этаётган давлатдир.

Ўзбекистон ва Корея иқтисодий алоқалари сўнгги пайтларда жадал суръатларда ривожланмоқда ва тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бугунги форум иқтисодиётнинг аниқ-равшан жабҳасида фаолият юритаётган ва ўзаро ҳамкорлик мақсадида бу ерга йиғилганлар учун жуда муҳим воқеа бўлди. Улар сармоя киритишга, ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрдирлар.

Яна шуни ҳам таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 200 мингдан зиёд корейс миллатига мансуб аҳоли вакиллари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга ўзининг жуда муҳим ҳиссасини қўшади. Ўзбекистонда яшаётган корейслар жуда юқори маълумотли, улар мамлакатда амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар, уларни амалда иқтисодиётнинг барча тармоқларида учратиш мумкин. Биз Ўзбекистондаги корейсларга катта ҳурмат кўрсатилаётганидан жуда хурсандмиз. Менимча, корейс миллатига мансуб аҳоли вакиллари Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоқаларни янада жадал ривожлантиришда кўприк вазифасини ўтайди».

**Бобур СОБИРОВ,**
**Жонруҳ МИРЗААҲМЕДОВ,**
«Жаҳон» АА.



## 15 май — халқаро Оила куни

***Одамзот яралибдики, мудом ўзидан ном қолдиришга, фарзандлари орзу-ҳавасини кўришга интилади. Шу мақсадда табиат ва жамият қонунларига биноан турмуш қуради. Эркак ва аёлнинг ихтиёрий келишуви асосида вужудга келадиган бу айвон оила деб аталади.***

***Албатта, оилада эзгу туйғуларнинг устуворлиги барча миллату элатларга хос фазилат. Аммо Шарқда, хусусан, ўзбек халқида оила тушунчаси бирмунча кенгроқ ва теранроқ мазмун касб этади.***

# ЧАМАН ИЧИДА БИР ГУЛ...

**Б**изда турмуш қуриш, оила мустаҳкамлигини, барқарорлигини, тинч-тотувлиги ва фаровонлигини сақлаш инсоннинг жамият олдидаги фуқаролик бурчи ҳисобланади. Негаки, оила, энг аввало, ҳаётнинг абадийлигини, насллар бардавомлигини, миллий қадриятлар умрбоқийлигини кафолатловчи муқаддас гўшадир.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда оила мавқеини ҳар қачонгидан кўтариш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардан бирига айланди. Аввало, унинг манфаатларини қонун нуқтаи назаридан муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, Конституциямизга унга бағишланган алоҳида боб киритилди. 1998 йил кўкламида эса Оила кодекси қабул қилинди. У бошқа масалалар қатори эр-хотин ўртасидаги мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзида акс эттирган никоҳ шартномаси тузишга ҳамда болалар ва оналар ўлими, туғилишдан кейинги асоратлар, ногиронлик ва бепуштлик сингари иллатларнинг олдини олишга қаратилган моддалар мавжудлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Шунга кўра, ушбу кодекс ва бошқа тегишли қонунлару ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ўзаро мувофиқлаштирилиб, парламент томонидан ратификация қилинган халқаро конвенция ва пактларнинг муайян қоидалари билан бойитилди.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида давлатимиз ва ҳукуматимиз фуқаролар ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни имкон қадар камайтириш чораларини кўрди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бошқа тоифалари — ёлғиз кексалар, етим-есирлар, талаба ва пенсионерлар қатори кўп болали ва кам таъминланган оилалар манфаатлари ҳам ҳар томонлама ҳимоя қилинди. Уларга давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар тарафидан доимий равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, айниқса, кам таъминланган оилаларга мансуб бошланғич синф ўқувчиларига бепул кийим-кечаклар етказиб бериш, дарслик ва ўқув қуроллари совға қилиш хайрли анъана тусини олди. Шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш пайтида она билан боланинг саломатлигини асраш, туғиш ёшидаги аёлларни атрофлича тиббий кўрикдан ўтказиш намунали йўлга қўйилди. Туғруқхоналарнинг, Она ва бола соғломлаштириш марказларининг, “Саховат”, Мурувват”, “Меҳрибонлик” уйларининг, мактаб-интернатларнинг моддий-техник базалари тубдан яхшиланди.

Оилаларни мустаҳкамлаш ва фаровонлигини оширишда 1997 йилдан эътиборан Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар қайси йилга алоҳида ном берилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ўзаро чамбарчас боғланиб кетган Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Обод маҳалла, Қарияларни қадрлаш, Меҳр-мурувват, Сиҳат-саломатлик йиллари мантиқан бир-бирини тўлдириб, моҳиятан битта олий мақсадга — хоҳ эркак-аёлдир, хоҳ кекса-ёшдир, ҳамюртларимиз ҳаётини янада яхшилашга, турмуш тарзини оширишга, хонадонларимизга файз-барака ва қувонч олиб киришга хизмат қилди.

Табиийки, бундай эзгу саъй-ҳаракатлар Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Чунончи, давлат бюджетимизнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари бу йил 54,1 фоизни ташкил этиши, кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори 7 фоизга тўғри келиши фикримизнинг исботидир.

***У**муман олганда, 2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб номлашдан мақсад, Президентимиз алоҳида уқтирганидек, шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириш билан бир қаторда жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашдан, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишдан иборатдир. Бу демак, ўзи танлаган мустақил йўлдан дадил одимлаб бораётган Ўзбекистон бутун дунёга энг инсонпарвар ва оилапарвар давлат сифатида ҳам донг таратмоқда.*

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**Абдунаби ҲАЙДАРОВ.**

## СИНГАПУР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Сингапур Менежментни ривожлантириш институти делегацияси 14 май куни пойтахтимиздаги қатор компанияларда учрашувлар ўтказди.***

“Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси З.Ҳакимов билан мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, сайёҳлик соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Сингапур давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз ўзининг ноёб тарихий обидалари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан дунёнинг барча мамлакатларидан, хусусан, Сингапурдан ҳам ўзига кўплаб сайёҳларни жалб қилаётгани қайд этилди. Бу эса икки мамлакат сайёҳлик компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашни тақозо қилади.

Шу куни сингапурлик меҳмонлар “Ўзавтосаноат” ва “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниялари ҳамда “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясида музокаралар ўтказдилар.

**(ЎзА).**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Барқарорлик йўлида

Расмий Теҳрон Вашингтон билан Ироқ масаласида музокаралар ўтказмоқчи. Эрон Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Муҳаммад Али Ҳусайни шундай баёнот билан чиқди. «Ироқликларнинг азобланишларини камайтириш, барқарорлик ўрнатишда ҳамда мамлакат ҳукуматини мустаҳкамлашда биз АҚШ билан музокаралар ўтказишга тайёрмиз», деди эронлик дипломат.

### Битим хавф остида




Якшанба куни номаълум жангари Ғазо секторида «Фатх» ҳаракати етакчиларидан бири Баху Абу Жарадни отиб кетди. У оғир ярадор ҳолатда шифохонага олиб келинган ва кейинроқ вафот этган. Ушбу қотиллик «Фатх» ва «ХАМАС» ўртасида эндигина эришилган ярашув битими бузилишига ва яна тўқнашувлар бошланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

«Фатх» ҳаракати мазкур суиқасдни «ХАМАС» зиммасига юклади.

### Тўқнашув оқибати



**Сариқ денгизда Жанубий Корея ва Хитойнинг икки кемаси бир-бири билан тўқнашиб кетди. Бу ҳақда Корея Республикаси соҳил хизмати вакили журналистларга хабар берди. Тўқнашув натижасида Жанубий Корея кемаси бортида оғир юк бўлганлиги сабабли чўкиб кетган.**

**Айни пайтда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаяпти. Қалин туман ушбу ҳалокатга сабаб бўлганлиги тахмин қилинмоқда.**

### Катта маблағ эвазига



Хитой Америка технологияларини харид қилиш учун 4,3 миллиард доллар сарфлашни режалаштирмоқда. Бу ҳақда «The Wall Street Journal» газетаси хабар тарқатди. Жорий ойда Хитой ҳукумати шу масала бўйича расмий Вашингтон билан музокаралар ўтказишни режалаштирмоқда.

### Ҳарбийлар гаровда

«Рейтер» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Ироқда жангарилар уч нафар америкалик ҳарбийни гаровга олишган.



Мазкур маълумотни Америка қўмондонлиги ҳам тасдиқлади. Бундан ташқари, Маҳмудияда бўлиб ўтган тўқнашувда тўрт нафар АҚШ ҳарбийси ва бир нафар ироқлик таржимон ҳалок бўлган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## «МИКРОКРЕДИТБАНК»:

# САРМОЯЛАР — МИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА

MIKROKREDITBANK

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги жараёнини кузатганда, банк билан тадбиркор ҳамкорлиги иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айланаётгани кўзга ташланади. Дарҳақиқат, банклар тараққиёт учун кўмаклашиш, фаровонликка эришиш йўлида моддий бойликлар яратувчилар билан елкама-елка туришга, уларнинг барча муаммоларини ўзларининг хизматлари билан ҳал этишга ёрдамлашмоқда. Айниқса, банк кредитлари ёрдамида корхоналарнинг замонавий техника билан қуролланаётгани халқ учун ҳаётий зарур маҳсулотлар ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидлаш зарур.

Сир эмас, техниканинг энг сўнгги ютуқлари — кичкинагина ускуна ёки аппарат бугун аввалги каттагина завод бажарган ишни эпламоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги «Қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори катта аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарор талаблари асосида ўтган йилнинг 21 октябрида ташкил этилган кўргазма-савдода нафақат қишлоқ хўжалиги, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тааллуқли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий мини техника ва технологиялар намойиш этилганидан хабардорсиз. Ўша кўргазма-савдо шарофати билан Чироқчи туманидаги «Шавкат Ш.Х.» кичик корхонаси «Микрокредитбанк» кредитини жалб этган ҳолда, макарон ишлаб чиқарадиган аппаратни лизингга олиб, шинамгина цех ва дўконни жиҳозлаган эди. Шу кунларда бу ерда ҳар куни 1 тоннагача макарон тайёрланмоқда. Маҳсулот чиройли қопчаларда савдо шохобчаларига чиқарилаяпти. Мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар ва бошқа умумий овқатланиш шохобчаларидан кўпроқ буюртмалар тушмоқда. Карманадаги «Алишер Қурбон» кичик корхонаси ҳам лизингга макарон ишлаб чиқариш технологиясини олиб, иш бошлаганди. Ҳозир ушбу корхонада уч киши меҳнат қилмоқда.

Урганчдаги «Ўткир Яшнар» хусусий корхонаси эса хорижнинг 20,5 миллион сўмлик нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускунасини лизинг асосида расмийлаштирган эди. Ҳозир саккиз киши турли нон ва ширинликларни ишлаб чиқариб, эл дастурхонига тортиқ қилмоқда. Корхонада маблағ айланмаси ойига 2-3 миллион сўмни ташкил этаяпти.

«Микрокредитбанк» АТБ, шунингдек, мини технологияларнинг ўтган йилги савдо-кўргазмасидан сўнг республикамизнинг турли бурчакларидаги, чекка аҳоли пунктларидаги бошқа кўплаб кичик бизнес субъектларига ҳам нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш учун шундай лизинг хизматларини кўрсатди, сут ва меваларни қайта ишлайдиган алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган ускуналар, тикув дастгоҳларини олиб берди. Мисол учун, Шофиркон туманидаги «Асадбек-Зарчабек олмазори» фермер хўжалиги раҳбари Анвар Маҳмудов «Uzbekistan AGROMINITEX EXPO — 2006» кўргазма-савдосига мевалардан турли-туман маҳсулотлар тайёрлайдиган машиналарни қидириб келган эди. Натижа шу бўлдики, «Микрокредитбанк»



томонидан фермер хўжалигига мазкур кўргазмада намойиш этилган 6,5 миллион сўмлик мевалар шарбатини қадоқлайдиган мини технологияни лизинг сифатида расмийлаштириб берилди.

— Бундай машиналарни чет эллардан олиб келишни орзу қилардик, — дейди фермер А.Маҳмудов. — Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган бу кўргазма-савдодаги техника ва технологиялар эса қўшимча қиймат солиғи, импорт божлари ва акциз солиқларидан озод этилгани айниқса, бизга маъқул бўлди. Бундай тадбирлар биз, фермерларнинг бойиши ва элимиз фаровонлиги учун хизмат қилаётганидан хурсандмиз. Айни кунларда боғимиздаги мевалар пишиб етилмоқда. Улардан экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга ҳозирлик кўраяпмиз.

Косон туманида мактаблар, идоралар, корхоналар кўп. Уларнинг барчаси зарур анжомлару иш қоғозларини «Семурғ» ишлаб чиқариш-савдо корхонасидан олмоқда. Бунда ҳам «Микрокредитбанк»нинг ҳиссаси бор. Бу банк «Семурғ»га 12,5 миллион сўмлик чоп этиш аппарати — резографни олиб бериш юзасидан микролизинг хизмати кўрсатди. Илгари бу ерда икки киши ишлар эди. Ҳозир эса иш ўринларининг сони 5 тага етди. Оддий ва ҳатто китоб шаклига келтирилган иш қоғозлари ҳам корхонанинг ўзида тайёрланмоқда. Уларнинг нархи анча арзон. Корхонанинг иқтисодий аҳволи эса яхшиланган. Лизингга берилган маблағнинг 3 миллион сўми қайтарилди. Тадбиркор йил охиригача лизинг қарзларидан батамом қутулиб, яна кредитлар олиш ва замонавий цех қуришга ҳаракат қилмоқда.

— Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан олинаётган илғор технология, мини техника ва ихчам ускуналар бозорларимиздаги маҳсулотлар сифатини яхшилашга ўз таъсирини ўтказа бошлади, — дейди қаршилик тадбиркор Ризо ҳожи ота Шерқулов. — Турли ҳудудларимиздаги бозорларда хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилган сифатли сут, қандолатчилик маҳсулотлари, чиройли кийим-кечаклар ўз қадрини топа бошлади. Яқин-яқинларгача, билсангиз, маҳсулотларни ташиш ва ўраш учун фойдаланадиган целлофан қопчаларни ҳам четдан олиб келар эдик. Мана ҳаммасини бугун ўзимиз ишлаб чиқараяпмиз.

Ризо ҳожи ота раҳбарлик қилаётган «Ерқўрғон» савдо-ишлаб чиқариш корхонасида целлофандан гулли халтачалар ишлаб чиқарадиган цех ишлаб турибди. Унда асосан учта машина бўлиб, биттаси пластмасса доначаларидан целлофан ўрами ишлаб чиқаради. Иккинчи дастгоҳ қопчалар ясайди. Учинчисида эса чиройли гуллар босилади. Муҳими, кундалик турмушимизда жуда зарур бўладиган қопчаларнинг хомашёсини — пластмасса доначаларини «Шўртангазкимё»дан хоҳлаганча олиш мумкин. Корхона маҳсулотларига эса Қашқадарёдан ташқари Навоий ва Бухоро вилоятларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Йил бошидан буён, умуман, «Микрокредитбанк» томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникалари олиб бериш учун 1,6 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга эса 2,2 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари тақдим этилди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида:

*«Ўзининг кичик корхонасини очаётган тадбиркорлар, биринчи галда, корхонани замонавий ускуналар, бозор талабига қараб тез ўзгартириш мумкин бўлган ихчам технологиялар билан жиҳозлашга эътибор қаратиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириши керак», дея алоҳида таъкидлаган эди.*

Бугун пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да Германия, Япония, Австрия, Венгрия, Бельгия, Жанубий Корея, Исроил, Хитой, Малайзия каби мамлакатларнинг 200 га яқин компаниялари мини техникалари намойиш этилаётган Халқаро иккинчи кўргазма-савдо шу мақсадда ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мини технологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олишда хизмат қилмоқда.

**Рашид РАУПОВ.** t

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
СЕРВЕРЛАР, ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР ВА ПРИНТЕРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар ушбу эълон чиққан вақтдан бошлаб беш иш куни мобайнида қабул қилинади. Буюртманома қабул қилиниши учун компания (фирма) маҳсулотни улгуржи тарзда етказиб бериш билан шуғулланиш ваколатига эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши зарур.
Тендерда қатнашиш учун буюртманома шаклини қуйидаги манзилдан олиш мумкин:
100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Амир Темур к., 101-уй, «Ўзмиллийбанк»нинг бош маъмурий биноси. Телефон: 134-42-96, интернет-сайт www.nbu.com
Мулоқот учун шахс — Ҳамроқулова Гўзал Раҳматхўжаевна. Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИ УЧУН НУСХА КЎЧИРИШ АППАРАТЛАРИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Танлов ўтказиш шартлари хусусида қўшимча маълумот ва буюртманома шаклини олиш учун валюта айирбошлаш операциялари бошқармасининг бош мутахассиси Раҳматов Баҳром Каримовичга мурожаат қилиш мумкин.
Танловда қатнашиш учун буюртманомалар эълон чиққан кундан бошлаб 2007 йил 1 июнгача қабул қилинади.
Хизматлар лицензияланган
Маълумот учун телефонлар: 134-10-91, 138-56-54. Факс: 135-33-17.
E-mail: Bhashimova@central.nbu.com

Спорт ● Sport ● Спорт

# "НЕФТЧИ" ОЧКО ЙЎҚОТДИ

"Нефтчи" — "Қизилқум" беллашуви билан футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати тўққизинчи тур учрашувлари якунланди.

Мазкур учрашувда ҳар икки жамоа томонидан кўплаб ҳужумлар уюштирилган бўлса-да, дарвозалар дахлсизлиги (0:0) сақлаб қолинди. "Пахтакор" ўз майдонида "Тўпаланг"ни қийинчилик билан (2:1) мағлубиятга учратди. Ниҳоят, "Металлург" жамоаси ҳам янги мавсумдаги илк ғалабасига эришди. Ушбу турда бекободлик футболчилар "Шўртан" жамоасини 4:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Бухоро" — "Қурувчи" 1:2, "Самарқанд-Д" — "Андижон" 0:0, "Навбаҳор" — "Насаф"1:1, "Трактор" — "Локомотив" 1:0, "Машъал" — "Вобкент" 4:1.

Тўққизинчи турдан сўнг турнир жадвалида "Пахтакор" ва "Нефтчи" жамоалари 25 тадан очко жамғариб, биринчи, иккинчи ўринда боришаяпти.

# ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

***Хитой Тайпейида пауэрлифтинг (уч кураш) бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланганлиги ҳақида аввал хабар берган эдик.***

Қитъамизнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан 750 нафар спортчи қатнашган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

— Пауэрлифтинг Олимпиада ўйинлари қаторига кириши кутилаётган спорт турларидан саналади, — дейди республика пауэрлифтинг федерацияси президенти Эркин Қодиров. — Бугун мазкур спорт тури дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатда кенг ривожланган. Бизда ҳам пауэрлифтинг тобора оммалашиб бормоқда.

Осиё чемпионатида йигитларимиздан Ваҳиддин Нажмиддинов, Александр Романенко, Сергей Гас, Александр Лузанов ва Александр Макаровлар ўз вазн тоифаларида олтин, Зуфар Аҳмедов кумуш, Сергей Турбисин бронза медалларини қўлга киритдилар.

Қизлар ўртасида эса Зарифа Козлан ва Юлия Стесенко олтин, Анна Васина бронза медалларига сазовор бўлдилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Об-ҳаво қандай бўлади?



Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, бугун юртимизда ҳаво ўзгариб туради, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг айрим жойларида қисқа муддатли ёмғир ёғади. Момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси 12-17 даража илиқ, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

## Иқлим

16-17 май кунлари республикамиз бўйлаб вақти-вақти билан ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Майнинг 18-куни эса баъзи ҳудудлардагина қисқа муддатли ёғингарчилик кузатилади. 19 майдан ҳаво яна очилиб кетади. Шамол ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. 15-17 май кунлари унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етиши мумкин.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради. 15-19 май кунлари ҳаво очиқ бўлади. Лекин 16-18 май кунлари вақти-вақти билан ёмғир ёғиши эҳтимоли ҳам бор. Шамол ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. 16-17 майда эса унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етиши мумкин. Ҳарорат бугун кечаси 9-14, кундузи 20-25, 16-19 май кунлари кечаси 2-7, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.






## Яхшилар ёди

***Анвар Эшонов. Бу қадрдон номни эсласам, беихтиёр талабалик йилларим ёдимга тушаверади.***

***Биз Тошкент давлат университетида ўқир эдик. Ёзнинг чилласи. Учинчи қаватда бир тўп талабалар домлани кутиб гурунглашиб турибмиз. Шу пайт даврамизга оқ-сариқдан келган, сочи жингалак йигит келиб қўшилди.***

# ЁНИҚ СЎЗ СЕҲРИ

Танишдик. Бу йигит иккинчи босқич талабаси Анвар Эшонов экан. Бир пиёла чой устида анча гурунглашдик. Шу-шу, қалинлашдик, тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Радиода бирга хизмат қилдик, кейинчалик мухбир сифатида бирга сафарларга ҳам бордик. Гоҳ узоқлашиб, гоҳ яқинлашиб деганларидай, салкам қирқ йил бирга ижод завқини сурдик. Анвар Саид Аҳмад аканинг этагини тутди. Устозга эргашиб ҳикоялар ёза бошлади. Унинг ҳикоялари ўта самимий, табиий бўлар, муаллиф сиз билан юзма-юз ўтириб дардлашаётгандек туюларди. Айниқса, уларнинг тили жозибали эди. Шаҳарда туғилиб, вояга етган бу ёш йигитнинг оддий халқ лафзини, халқ тилидаги нозик қочиримлар, мажоз, сўз ўйинларини билишига биз ҳавас қилардик. Ёш ёзувчи "Чўли ироқ", "Дутор", "Сўз" деган илк ҳикоялари билан ярқ этиб кўзга ташланди, тенгдошлари орасида ажралиб, устозлар назарига тушди.

Бир куни трамвайда кетаётувдим. Ёнимдаги йўловчи жажжигина китобни ўқиб, силкиниб-силкиниб куларди. Қарасам, Анварнинг "Дутор" деган ҳикоялар тўплами экан.

— Яхши ёзган, а? — дедим йўловчига.

— Зўр! — деди у, — шунақа китобларни кўпроқ чиқаришса бўлмайдими? Баъзи бир семиз китобларни ўқисанг, уйқунг келади. Мана бу — бир қучоқ кулгу экан. Ёзган одам барака топсин.

"Бир қучоқ кулгу", деган иборани эшитиб, ўртоғим учун ич-ичимдан севиндим.

Ҳис-ҳаяжонларини, юракда туғилган туғёнларини насрга сиғдиролмади, шекилли, у шеърга ўтди. Анвар бировларга ўхшаб пешона тириштириб ёки қалам тишлаб шеър битмасди. Шеър унинг юрагидан чашмадек оқиб чиқарди. Анварнинг жисми жони шеър тошқинидан, назмий ҳикматлар силсиласидан жунбушга келганда у беихтиёр бадиҳа йўли билан шеър айта бошлар, ёниқ, халқона ва образли сатрлар қуйилиб келаверарди. Чунки у аслан шоир бўлиб туғилган эди. Унинг "Европада қолган қабрлар" деган шеърий туркумининг яратилиши тарихидан оз-моз хабардорман. Қаҳрамон шаҳидлар хотирасига бағишланган бу назмий нидо Анварнинг номини ўзбек адабиётида бир поғона юқорига кўтарди, уни етук шоирлар сафига қўшди. Бир анжуманда Ғафур Ғуломнинг "Бўладиган болага ўхшайсан", деб Анварнинг елкасига қоққанини кўрганман.

Анвар Эшон суҳбатнинг гули эди. У кирган давралар самимий қаҳқаҳадан яшнаб кетарди. Одати бўйича кафтларини бир-бирига ишқаб, қизиқ ҳангома бошлар, даврадошлар мириқиб кулар, бундан Анварнинг ўзи ҳам хурсанд, лекин у дўст-ёрларининг димоғини чоғ қилгани учун хурсанд эди. Анвар айтган ичакузди латифалар ҳамон оғизма-оғиз юрибди.

Дунёда одамдан не қолади? Яхши ном, яхши амал, савоб юмушлар. Анвар Эшон бир китобини "Сўз" деб атаган эди. Бунда мен рамзий маъно кўраман. Анвар бировга озор бермас эди, хушодоб инсон эди. Ундан қобил фарзандлар қолди, ёруғ хотира қолди. Энг муҳими, Анварнинг дил армонлари — авлодига аталган ёниқ сўзи, назмий сатрлари, насрий ҳангомалари ёдгор бўлиб қолди. Булар унинг номини то абад шарафлагай.

**Саъдулла СИЁЕВ.**


**Тадбиркор, ишбилармон ва сармоядорлар, имкониятингизни бой берманг!**

*Диққат, аукцион савдоси!*

## «Иқбол ҳамкор савдо» МЧЖ

**очиқ, баҳоси босқичма-босқич юқорилаб борувчи аукцион савдоси давом этаётганлигини билдиради ва савдоларга таклиф этади!**

Андижон вилояти Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан «Андижон» ОАЖ (собиқ консерва заводи, Андижон шаҳри, Мусаев кўчаси, 33-уйда жойлашган, мўлжал — Янги бозор)нинг банкротлиги эътироф этилган. Суд қарорига асосан жамиятнинг мол-мулклари хатланиб, «Андижон» ОАЖ маъмурий идораси биносида ташкиллаштирилаётган аукцион савдоларига бошланғич баҳоларда қўйилган. Аукцион савдолари ҳафтанинг дам олиш ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни ўтказилади.

**Савдоларга қуйидаги мулклар қўйилган:**

***«Андижон» ОАЖнинг асосий восита, бино-иншоотлари, ускуна ва бошқа турдаги жиҳозлари 1 миллиард 75 миллион 222 минг 853 сўм бошланғич баҳода, шунингдек, бошланғич баҳоси 92 миллион 73 минг 308 сўм бўлган асосий воситалар ҳамда бино-иншоотлардан иборат улуш.***

Сотувга қўйилган бино-иншоотларнинг эгаллаган майдони 18829,99 кв.м.ни ташкил қилади, асфальт майдони 2175,89 кв.м.дан иборат. Бино-иншоотлар 1960-1988 йилларда қурилган. Объект шаҳарнинг марказида жойлашган. Газ, сув, марказий канализация, электр энергияси билан таъминланган, юқори ишлаб чиқариш қувватига эга. Барча турдаги консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Савдога қўйилган мулкларни жойига бориб кўриш учун барча шароитлар яратилган. Йўналишли транспортларнинг «Янги бозор» бекатида тушилади.

**Ҳурматли тадбиркор, ишбилармон ва сармоядорлар!**
**Кўчмас мулк — кетмас давлат, имкониятингиздан фойдаланиб қолинг!**

Мулклар бузмаслик шарти билан сотилади. Пул тўлови муддатлари тугатиш бошқаруви томонидан белгиланади.

**Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлардан аризалар дам олиш ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача «Андижон» ОАЖ маъмурий биносида қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагини билдирган фуқаролар паспортдан нусха, закалат пули тўлови квитанциясидан нусха, юридик шахслар нотариал тасдиқланган низомдан нусха, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқномасининг нусхасини тақдим қиладилар.**

Закалат пули мулкнинг бошланғич баҳосидан 5 (беш) фоиз миқдорида «Иқбол ҳамкор савдо» МЧЖ ҳисоб рақамига 20208000804527914001, МФО 00069, ИНН 206727026, «Асака» банки Андижон вилояти бўлимига тўланади.

**Сизни қизиқтирган барча маълумотларни «Андижон» ОАЖдаги 226-00-50 ҳамда 224-48-53 телефонлари орқали олишингиз мумкин.**

671Я/806



## «Крокус Газ Сервис» ҚК
**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

410Н/518












Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси бўлим бошлиғи М. Х. Эгамбердиевга онаси

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори Рисбой Джураевга синглиси

**Гулқиз ДЖУРАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги жамоаси Киночилар уйидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ўктам Мирзаёровга падари бузруквори

**ХАЙРУЛЛА отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти жамоаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор Ғофуржон Муҳамедовга отаси

**ИСРОИЛ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзэлектркабелсавдо» ОАЖ жамоаси корхона ходими Миртолип Мирсалимовга волидаи муҳтарамаси

**ТУРДИХОН онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
***Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.***

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**т -Тижорат материали**

**МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.**
**Навбатчи — М. Охунова.**
**Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 22.40** 1 2 3 4 5